

# ISHONCH

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мустақамлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармониغا

## ШАРҲ

Мамлакатимизда 2007 йилнинг «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилиниши аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш, унинг турмуш ва фаровонлик даражасини изчил оширишга қаратилган кенг қўламли давлат сиёсатининг амалий ифодаси бўлди.

Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мустақамлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони муҳим аҳамиятга эга. Мазкур ҳужжат аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш ва улар учун муносиб турмуш шароитини таъминлашга қаратилган ислохотларнинг мантиқий давомидир.

Ушбу Фармон аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш, барча ижтимоий муассасалар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашни яхшилаш, шунингдек, ногиронлар, қариялар ва ёлғиз фуқаролар учун интернат-уйлар, уруш ва меҳнат фахрийлари санаторийлари, ногиронлар реабилитация марказларининг моддий-техника базасини тубдан мустақамлаш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар мажмуини кўзда тутди. Юқоридаги чора-тадбирларни тўлиқ амалга ошириш учун асосан давлат бюджети ҳисобидан қўшимча равишда йилига 31,5 миллиард сўм ажратилмоқда.

Жумладан, Фармонда давлат бюджетидан кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тўлаш учун ажратилган бюджет маблағларини 1,5 бараварга ошириш кўзда тутилган. Бу эса давлат бюджетидан қўшимча равишда 10 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратишни талаб қилади. Бунинг ҳисобидан йил давомида яна 100 минг кам таъминланган оила ойлик моддий ёрдам олиш имконига эга бўлади. Айни вақтда моддий ёрдам тўлаш муддати икки баравар 3 ойдан 6 ойгача узайтирилди.

2007 йилда Ўзбекистонда ижтимоий мақсадлар учун давлат бюджетидан ажратилган маблағларнинг умумий ҳажми барча бюджет харажатларининг 55 фоизини ташкил этади, бевосита кам таъминланган оилаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш учун эса бюджетнинг 9 фоизга яқин қисми (460 миллиард сўм) сарфланади. Бу кўрсаткич ушбу мақсадлар учун харажатлар умумий бюджетининг 2 фоиздан 5 фоизгача қисмини ташкил этадиган МДХнинг бошқа давлатлари ва дунёнинг кўпчилик ривожланган мамлакатларидагига қараганда анча юқоридир. 2007 йилда ҳаммаси бўлиб оилаларнинг 28 фоизини ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тўловлари билан таъминлаш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, Фармонда эҳтиёжманд оилаларга давлат томонидан ижтимоий ёрдам кўрсатиш механизмларини амалга оширишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш

риш органлари роля этиши лозим бўлган асосий тамойиллар янада такомиллаштирилди. Бу, авваломбор, ижтимоий адолат, холислик ва ошкоралик тамойилларига қатъий амал қилиш, моддий ёрдамни ҳақиқий эҳтиёжманд оилаларга бериш, ажратилган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланишдан иборат.

Пенсионерлар, ёлғиз қариялар ва ногиронларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш хизмати ходимларини моддий ва маънавий рағбатлантиришга катта эътибор берилган. Фармонда тиббий-ижтимоий муассасалар ходимларини моддий рағбатлантириш фонди миқдорини 15 фоиздан 25 фоизгача ошириш, «Мурувват» болалар интернат-уйлари тарбиячилари, ўқув-ёрдамчи ходимлар ва санитарлар иш ҳақини ўртача 10 фоизга кўпайтириш белгилаб қўйилган. Шунингдек, ногирон болалар билан олиб борилган ўқув-тарбия ишлари сифатини ошириш мақсадида «Мурувват» интернат-уйлари тарбиячилари учун иш меъёри 3 баравар, яъни ҳар бир тарбиячи учун 15-18 нафар боладан 5-6 нафар болага камайтирилди, бу эса халқаро меъёрларга тўлиқ жавоб беради.

Бундан ташқари, 2007 йилдан бошлаб ногиронларга уйда хизмат кўрсатувчи ижтимоий ходимлар ва педагогларга жамоат транспортида йўл ҳақи харажатлари учун ҳар ойда 12420 сўмдан 18630 сўмгача компенсация тўлаш жорий қилинади. Бу мақсадлар учун 2007 йилда бюджетдан қўшимча 2 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилади.

Ёлғиз фуқаролар, қариялар ва ногиронларга ижтимоий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида Фармонда қариялар ва ногиронлар учун интернат-уйлари, уруш ва меҳнат фахрийлари санаторийлари, ногиронлар реабилитация марказларининг моддий-техника таъминотини яхшилаш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланган. Бу эҳтиёжлар учун, аввал кўзда тутилган маблағларга қўшимча равишда, 9,5 миллиард сўм, шу жумладан бюджетдан 5,2 миллиард сўмдан ортиқ, бюджетдан ташқари манбалар ҳисобидан эса 4,3 миллиард сўм ажратилган.

Бундан ташқари, «Меҳрибонлик» уйлари ва ихтисослашган мактаб-интернатларни капитал таъмирлаш, жиҳозлаш ва уларга махсус транспорт сотиб олиш учун аввал кўзда тутилган молиялаш ҳажмларига қўшимча равишда бюджетдан 8,2 миллиард сўм ажратиш мўлжалланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонининг амалга оширилиши аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада кучайтиришни таъминлайди, қўшимча ижтимоий ҳимоя чораларига муҳтож кам таъминланган оилалар ва фуқароларнинг фаровонлигини ошириш учун асос бўлиб хизмат қилади ҳамда «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури чора-тадбирларини тўлиқ амалга оширишда муҳим омил бўлади.



Баҳор, кетма бизнинг боғлардан...

Ижтимоий ҳимоя ва қадриятлар

## Савобли ишларга шошилинг!

ЎзРФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти директори, филология фанлари доктори, профессор Тўра Мирзаев билан мулоқот

— Тўра Мирзаевич, биз бировга яхшилик қилиб, етим-есирларнинг бошини силаб, йиқилганни суяб, ночорга чора, йўлсизга йўл, қарияларга эъзоз кўрсатиб, бундан ҳаммадан кўп ўзимиз қувонадиган халқимиз. Бугун ана шу эъзозли қадриятларимиз давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, бундан аввало эл-улус манфаат кўриб, қанчадан-қанча кўнгилиморатлари бут

бўлмоқда. Суҳбатимизни ижтимоий ҳимоянинг ана шу жиҳатидан бошласак. — Ижтимоий ҳимоя халқимизнинг ўзига хос фазилати айланган. Қолаверса, одамларга меҳр-муруватли бўлиш, моддий ва маънавий кўмак бериш ажодлар ва авлодларни боғлаб турган маънавий ришта, ўзига хос тарбия мактаби саналади. Муқаддас китобимизда «Хайрли, савобли ишларда бир-бирингиздан ўзишга шоши-

линг», деган даъват бор. Бу эса одамийликнинг боқийлигидан ва халқнинг маънавий даражасидан далолат беради. Аждодларидан мерос аънаналарни эъзозлаб, уларни такомиллаштираётган юртнинг боши байрамлардан, тўю томошалардан чиқмайди. Зеро, ҳар бир шодиёна аввало юртдаги тинчлик ва осоишталик шарофати. Бунинг ёрқин мисоли истиқлол туфайли қайта тикланган Наврўзимиздир. (Давоми 3-бетда).

МАРКАЗИЙ БАНК АХБОРОТИ	1 Австралия доллари 992,63 1 Англия фунт стерлинги 2422,98	1 БАА дирҳами 339,92 1 АҚШ доллари 1248,12	1 ЕВРО 1660,50 1 Россия рубли 47,92	1 Хитой юани 161,36 1 Кувейт динари 4318,16	1 Турк лираси 887,08 1 Япон иени 106,45
---------------------------	---	---	--	--	--

# Кетма, мудом қалбимизда қолгин, Наврӯз!

Юртимизнинг узоқ-яқин шаҳар ва қишлоқларида сайл, шодиёналар давом этмоқда

**Чилонзор туманидаги 217-мактабда бўлиб ўтган Наврӯз сайли ҳар бир иштирокчи ва меҳмонлар қалбида муҳрланган бўлса, не ажаб. Эрталабдан мактаб ҳовлиси ҳақиқий байрам тусини олиб, тумандаги 30 дан ортиқ таълим муассасаларининг вакиллари, ўқувчи ва ўқитувчилар ўз совғалари ҳамда байрам дастурлари билан жамулжам бўлди. Кимдир ўзи тиккан миллий либослардан, яна кимдир хунар-мандчилик буюмидан намуна олиб келган.**

байрам баҳона ҳар ким ўз иқтидорини намойиш этапти, холос, — дейди туман халқ таълими бўлими маънавий-маърифий, ахлоқий тарбия ва спорт ишлари бўйича мудир муовини Муяссар Норматова. — Муҳими, ҳар бир

ира Турсуной Содикова билан уюштирилган суҳбат ҳам қизиқарли кечди. Унда иштирок этган мактабгача таълим муассасалари раҳбарлари, мактаб директорлари, устоз ва тарбиячилар ўзларини қизиқтирган савол-

## Баҳорий шукӯҳ

барча оилага кириб бормоқда

**Наврӯзи олам муносабати билан республикамиздаги кўплаб саховатпеша корхона ҳамда ташкилот жамоалари бир қатор хайрли ишларни амалга оширмоқдалар. Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати ходимлари касабасига уюшма Марказий кенгаши ҳам ана шундай саховатли тадбирга қўл урди. Улар Бекобод шаҳридаги «Саховат» ногирон болалар богчасидаги кўнгли ярим болажонларга юмшоқ ўйинчоқлар ва эсдалик совғаларини топширишди.**

Ўзбекистон металлургия комбинати раҳбарияти ҳамда касабасига уюшма кўмитаси ташаббуси билан маҳаллардаги 600 та кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга 10 минг сўмдан пул ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. Шунингдек, Бекобод шаҳар ҳамда тумандаги истиқомат қилувчи 130 нафар ногирон боланинг ҳар бирига мазкур корхона томонидан янги телевизор, 20 минг сўмдан пул, 15 та но-

гиронлар аравачаси ҳада этилди. Улар учун «Бахт уйи»да байрам дастурхони ёзилди.

Шаҳардаги «Бекободцемент» корхонаси ҳам шундай саховатли тадбирга қўл урди. Мазкур корхонада байрам дастурхони ёзилди ва 10 та кам таъминланган оилага эсдалик совғалари топширилди. 3 та оила эса сигирли бўлди.

Бекобод шаҳрида бундай тадбирлар давом этмоқда.

Ш. КАМОЛОВ

## ЭЗГУЛИК ТИМСОЛИ

Хуллас, ҳаммининг юз-кўзида қувонч. Ҳаял ўтмай бир ёнда варрак учирини мусобақаси бошланди. Бир томонда эса кураш қизгин тус олди. Маҳорат билан чизилган суратлар ва деворий газеталар танловида ким голиблигини аниқлаш бироз қийин кечди. Сабаби танлов иштирокчиларининг бир-биридан иқтидорли ва моҳир эканлиги улар тақдим этган суратларда акс этиб турарди. Фольклор дастурларининг чиқиши, болажонлар ижросида янграган турли лапарлар, яллалару қадимий кўшиқлар ҳам ҳеч кимни беъэтибор қолдирмади.

Танлов натижаларига кўра голиб ва иштирокчиларга туман халқ таълими бўлими ҳамда «Ка-



молот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгашининг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

— Очиғини айтганда, бу ерда голиб ва мағлуб деганнинг ўзи йўқ. Фақат

иштирокчи шунга ҳаракат қилди.

Сайлда куй-кўшиқлар, танлов ва мусобақалар бир-бирига уланиб кетди.

Шунингдек, тадбирлар режасидан жой олган шо-

ларга жавоб олдилар.

— Ёш авлодни тарбиялаш машаққатли ва шарафли касб, — дейди биз билан суҳбатда таълим ва фан ходимлари Чилонзор туман касабасига уюшма кенгаши раиси Ўлмас Қаҳҳорова. — Ушбу учрашув айни муддао бўлди. Шоиранинг устозлик заҳмати ва келажакдаги тотли меваси ҳақидаги халқона фикрлари қатнашчилар қалбида фахр туйғуларини жўш урдирди. Зотан, инсоннинг ўзгаларга яхшилик қилиши, айниқса, илм-маърифат нурларини тарқатишининг ўзи чексиз бахт.

**Ҳидоят ЖҲРАЕВА,**  
**«Ишонч» муҳбири.**  
**Икром ҲАСАНОВ**  
олган сурат

## МЕҲНАТДАН ҚАДР ТОПГАНЛАР



Кексаларни ардоқлаш, уларни йўқлаб кўнглини олиш халқимизга хос азалий фазилат. Шунинг баробарида узоқ йиллик меҳнат тажрибаларини айни пайтда фаолият юритаётган ходимлар билан ўртоқлашиш ўзига хос мактаб вазифасини ўтайди.

Куни кеча Ўзбекистон енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касабасига уюшма Марказий Кенгаши Наврӯз байрами муносабати билан тармоқда узоқ йиллар фаолият юритган, ҳозирда эса кексалик гаштини сураётган собиқ ишчиларнинг 14 нафарини дастурхон атрофида жамлади. Улар тармоқда олиб борилаётган ишлар хусусида суҳбатлашдилар, ёш ходимларни тарбиялаш борасида ўз фикрларини билдирдилар.

Нафақадаги ходим Эркин Пўлатовни суҳбатга тортдик:

— 22 йил мана шу тармоқда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича бош назоратчи бўлиб ишладим. Айни пайтда нафақадаман. Бизни байрамлар арафасидагина эмас, балки туғилган кунларимизда ҳам йўқлашди. Меҳнат қилган элда азиз, дейдилар. Бу каби йўқловлар ўсиб келаётган набираларимиз қалбида инсон меҳнати орқалигина кадр топиши мумкинлигига бўлган ишончни шакллантириши билан ҳам аҳамиятлидир.

Ҳаммининг кўнглида байрам кайфияти. Улар кўрсатилган эътибордан мамнун эканликларини изҳор қилишди. Файзли даврада суҳбат узоқ давом этди.

**Мактуба МҲМИНОВА,**  
**«Ишонч» муҳбири,**  
Икром ҲАСАНОВ олган сурат

**Хоразм вилоят касабасига уюшма ташкилотлари Бирлашмаси Раёсатининг қарорига мувофиқ беш йилдирки, таълим ва фан ходимлари касабасига уюшмаси вилоят кенгаши чегара кўшинларининг вилоят ҳудудида жойлашган қисмларига ҳомийлик ёрдами кўрсатиб келмоқда.**

**Жорий йилда ҳам Ўзбекистон касабасига уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсати Ижроия Кўмитасининг «Ўзбекистон Республикаси МХХ чегара кўшинлари қисмларига ҳомийлик ёрдами кўрсатиш ҳақида»ги қарорини амалга ошириш юзасидан қатор тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.**

## Ота дарвозасидаги учрашув

хотираларда умрбод муҳрланди



— Биз Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 15 йиллиги ва «Наврӯз» умумхалқ байрами муносабати билан вилоятимиздаги ҳарбий қисмда байрам шодиёнаси ташкил қилишни режалаштирар эканмиз, унинг аскарлар ёдига бир умр сақланиб қолиши ҳақида узоқ ўйландик, — дейди кенгаш раиси Муяссар Раҳимова. Ахир, Наврӯз эзгулик, хайр-саховат айёми. Тадбирни ўтказишда ана шу жиҳатлар ҳам эътибордан четда қолмаслигини истадик. Ниҳоят таълим ва фан ходимлари касабасига уюшмаси республика кенгаши билан келишган ҳолда юртимизнинг турли вилоятларида таълим-тарбия тизимида ишлаб келаётган ходимларнинг вилоятимиз чегара қисмида хизмат қилаётган фарзандлари билан учрашувини ташкил қилишга, аскарларнинг яшаш ҳамда хизмат шароитлари билан ота-оналарини таништиришга қарор қилдик.

Ушбу ташаббусни барча вилоятлар кўлаб-қувватлади. Республикаимизнинг 8 вилоятдан 27 нафар ота-она фарзанди билан учрашиш мақсадида Хоразм дийога ташриф буюрди.

Учрашув ота-оналар ва фарзандлар хотирасида бир умр муҳрланиб қоладиган бўлди. Улар қадимий ва навқирон Хивага тақриф қилинди. Хивалиқлар Хоразм сурнай лазгиси садолари остида нон ва туз билан қарши олдилар.

Ичон қалъанинг Ота дарвозаси олдида 27 нафар аскар ота-оналари, қариндошлари бағрига ошиқдилар. Улар биргаликда кураги ер кўрмаган авлиё Паҳлавон Махмуд қаб-

— Мен учрашув бунчалик байрамона тус олади, деб ўйламагандим, — дейди онахон. — Шу баҳона Хивани кўрдим. Касабасига уюшмаларига катта раҳмат.

Андижонлик Ёркиной Нўмонова, Оминахон Сулаймоновалар ҳам зўр ҳаяжон билан дил сўзларини изҳор этдилар.

Хива зиёратидан сўнг ота-оналар ҳарбий қисмда бўлдилар. Бу ердаги тартиб-интизомнинг қатъийлиги, аскарлар учун барча шароитлар муҳайёлиги ота-оналарни мамнун қилди.

Вилоят ҳудудидаги чегара қисмларида хизмат қилаётган аскарларнинг спорт билан шуғулланишларига кўмаклашиш, бўш вақтларига янада мазмун бахш этиш мақсадида таълим ва фан ходимлари касабасига уюшмаси вилоят кенгаши ҳарбий қисмга спорт жиҳозлари, бадий ва сиёсий адабиётлар совға қилди.

Тадбир иштирокчилари учун «Жанговар, музаффар, ишончли посбон» мавзуида байрам кечаси ташкил қилинди. Халқимизнинг осойишталигини сақлаш, хизмат бурчини чегара кўшинлари ҳарбий қисмида бажаришда мардлик ва фидойилик намунасини кўрсатаётганлиги, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишга кўшаётган ҳиссаси, юртимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашдаги хизматлари ҳамда «Наврӯз» умумхалқ байрами муносабати билан аскарларга касабасига уюшма вилоят Кенгашининг фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалари топширилди. Албатта, шундай ажойиб фарзандларни тарбиялаб вояга етказган ота-оналар ҳам эътибордан четда қолдирилмади. Уларга ҳам эсдалик совғалари тақдим этилди.

**Муҳаббат ТҲРАБОЕВА,**  
**«Ишонч» муҳбири**



## Руҳият оламида

**Ҳақиқий алхимик шундай инсонки, у ҳар қандай вазиятни олтинга айлантириш сирларини ўрганади.**  
**Омадсизлик шахсни ўстиради.**  
**Танқислик, етишмовчилик бор дейсизми, бу фақат Сизнинг онгингизда бўлиши мумкин.**  
**Кимки ҳаёт бешафқат ва оғир деб ўйласа, тақдирини худди шундай бўлади.**  
**Агар имкониятлар йўқ деб ишонсангиз, уни излаб нима қиласиз?**

Муаммоингиз борми? Яхшилаб ўйлаб кўринг, наҳотки, шу муаммо бўлса? Йўқ, адашмасиз, сиз муаммо деб атаганингиз аслида нақд имконият. Биз уни "проблема", "тўсиқ", "қийинчилик" деб атаймиз, холос.

— Қандай бахтли бўлишим мумкин, — деди бир тадбиркор дўстим. — Ахир икки миллион сўм зарар қилдим, шармандам чиқди, хонавайрон бўлдим.

Икки миллион қўлдан кетди — у ҳақ, аммо «шарманда» ва «хонавайрон» бўлиш, бу унинг нотўғри хулосаси. Қадимги римлик файласуф Эпиктет айтганидек: «Одамларни воқеълик эмас, уларнинг шу ҳақдаги фикри ташвишга солади». Агар бўлган воқеанинг сабаб ва оқибатларига тўғри баҳо берсангиз, сиз учун муаммо деган тушунча йўқолади.

Кўпчилигимиз муаммоларимиз ҳал қилиниб, ҳаёт тўлақонли ва тўқис бўлишини орзу қиламиз. Лекин инсон яшар экан, муаммо ҳаётнинг муҳим қисми бўлиб қолаверади. Шу боисдан муаммодан қўтилишга эмас, унинг моҳиятини англашга интилиш керак.

Дунёнинг абадий фалсафаси шундай: ҳеч нарса тасодифий эмас, биз борлиқнинг ажралмас қисмимиз ва у бизга мунтазам муаммолар шаклида хабар юборади. Биз шу хабарни ўқишга қийналамиз. Ўзингизга савол беринг: «Бу муаммо менга нимадан дарак? Менинг фикрларим ҳақида нима дейди? Ишончим, ҳатти-ҳаракатларим, ҳаёт тарзим ҳақида-чи?» Дикқат қилинг, ўйланг, муаммонинг асл сабабини топа оласизми? Агар ҳар доим ўзингизга раҳмингиз келса ва қийинчилик олдида қўлни ювиб қўлтиққа урсангиз, сизга аталган муҳим хабарнинг йўлини тўсган бўласиз.

Ўрта асрлик кимёгар(алхимик) оддий темирни олтинга айлантириш йўлини топишга ҳаётини бағишлади. Жуда кўп вақт ва катта бойлик сарфлаган бўлса-да, изланишлари самарасиз кетди. Бунинг сабаби шуки, оддий темирни ҳеч қачон олтинга айлантириб бўлмайди.

Ҳақиқий алхимик шундай инсонки, у ҳар кунги вазиятларни олтинга айлантириш сирларини ўрганади. Турли ҳолатлардан чиқиш йўлларини излайди. Муаммо ва қийинчиликни зийраклик, сезгирикни ошириш учун восита деб билади. Ҳақиқий алхимик учун муаммо йўқ. Фақат омадга элтувчи имкониятлар бор.

## МУАММО ДЕГАН ТУШУНЧА ЙЎҚ

Муаммоларингизни асабга эгов деб эмас, порлоқ келажак ва омад учун қулай имконият, деб қаранг. Тадбиркор Кэти Колбининг ҳаёт тажрибаси унга ёрқин мисол бўлади. Туғма дислексия билан дунёга келган Кэти чап билан ўнг томонни ажратолмасди: соат неча бўлганини тушуниб олиши учун анча вақт кетказарди. «Касалим менинг фойдали хусусиятларимдан биридир. Бу менга оғир вазиятлардан чиқиш кетиш учун фикрлашни ўргатди,» — деб мамнуният билан эътироф этади кейинчалик.

Бир кунги Колби жамғариб қўйган 500 доллар билан

"Resources for the Gifted" (иқтидорлилар учун манбаа) деган фирмага асос солди. У иқтидорли болалар учун зарур бўлган манбаалар рўйхатини тузиб, 3500 та ўқитувчига юборди. Аввалига миждозлардан жуда оз таклиф тушгани сабабли фирма зўрға-зўрға иш олиб борарди. Колби оմборхона сотиб олади, аммо бинога ўт тушиб ёниб кетади. Бир ходим барча маблағни ишлатиб юборади... Колби эри билан ажрашади. Шуларга қарамай, у «ҳеч қандай муаммо йўқ, фақат ва фақат имконият бор» деган фикрдан қайтмади. Ҳозирда фир-

турган фикрлаш ҳолатидир.

Омадсиз одамнинг фикрлаш тарзи омадли одамнинг онгига қарама-қарши. Бундай онг соҳиб доим ҳар нарсада камчилик ва чекловни кўрсатадиган «компас» олиб юрадиган одам бўлиб, ҳечам ёруғ йўлга чиқа олишига ишонмайди. Бундай фикрлар билан ҳеч ким ҳеч қачон муваффақиятга эришмайди. Сиз ҳам бойликка, ҳам камбағалликка олиб борадиган икита йўлдан бирданга юролмайсиз. Чунки улар бир-бирига қарама-қарши томонда. Хўш, Сиз қандай фикрлайсиз? Агар «омадсизман» десангиз, демак, ўз олдингизга омадсиз бўлиш ниятини қўйгансиз. Бундай қарашлардан қўтилиб, ўзингизни «омадлиман» деган фикрни ривожлантиришингиз керак. Бу йўлда Сизга қуйидаги тўрт ишонч ёрдам беради:

**1-ишонч:** Дунё бойликларга тўла. Омадли инсон дунёнинг беҳисоб бойликлари ҳаммага етади, фақат бу тухфани қабул қилиш керак, дейди. Табиатга эътибор беринг: у саховатли, ба-

ларга тўла, нимагадир эришиш учун бетиним тиришиб-тирмашиб ишлаш керак. Лекин шунда ҳам омад келиши қийин, деб ўйлайди у. Шунга қаттиқ ишонсангиз, бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас. Сиз нимага ишонсангиз, ақлингиз бу фикрни қувватлашга етарли асос топади. Кимки ҳаёт қаттиққўл ва оғир деб ўйласа, тақдирини худди шундай бўлади. Омадсизнинг онги доим муаммо, қийинчилик, кўнгилсизликларни излаб, кутиб яшайди ва бунга эришади. Омадли инсоннинг онги ҳаётни худди саргузаштлар олами деб билади. У рағбат кутади, қувонч ва қулайликлар излайди ва уларни топади. Агар қўтилмаган муаммо ёки қийинчилик дуч келса, буни синов деб қабул қилади. Бунда ҳам бир ҳикмат бор, деб ишонади. Оқибат муаммони ҳал қилишга янги-янги имкониятлар топади. Омадли инсон учун ҳаёт бебаҳо. Ҳар бир янги синов янаям кўпроқ мукофот, саргузашт олиб келади. Ҳаёт тўқин, бой ва сахий. Янги таассуротлар ва омад Сизни ҳар

Ҳамма нарса янгиланишда, янгилик кўп ўтмай эскиликка айлана-япти. Шундай тезлик билан ўзгараётган ҳаёт бизга ҳар соат янгидан-янги имкониятлар туғилаётганини исботлайверади. Ҳар кунги кеча мавжуд бўлмаган юзлаб имкониятлар вуждга келмоқда.

## ИМКОНИЯТ, ИМКОНИЯТ, ҲАММА ЖОЙДА ИМКОНИЯТ!

«Майкрософт»нинг асосчиси миллиардер Билл Гейтс шундай дейди: «Менимча, ҳозир яшаш учун энг қулай, зўр фурсат. Аввал қилиш мумкин бўлмаган ишларни амалга ошириш учун қанчалаб имконият ва чоралар топиллади.»

Сизнинг имкониятларингиз қаерда? Ҳеч иккиланмасдан буларни изланг: уларнинг бари атрофингизда. Қаерга қараманг, ҳамма жойда омад ва бахт борлигига ишонинг. Қаерга назарингиз тушмасин, ҳар ерда омад кулиб турибди.

**4-ишонч:** Омад фақат ва фақат ўзимга боғлиқ. Омадсизнинг фикрича, энг муҳим эҳтиёжларни қондиришга етадиган маблағи бўлса, бас. Омадсиз омадли одам ҳақида худбин, қизганчик, оила-сига ғамхўрлик қилмайдиган, жамиятдаги бошқа одамлар ҳақини ўзлаштираётган қабилдаги фикрлар билан юради. Ҳеч қачон ўзганинг муваффақиятига ҳасад қилманг. Бировнинг хурсандчилигини кўриб бахт ва омад борлигига ишонинг. Ва, албатта, бу иш Сизнинг қўлингиздан ҳам келишини тан олинг. Омадли ҳамма жойдан қидиринг. Фақат омадсиз одамгина муваффақиятни инкор этиб, унга эришганларни тан олмайдди. Бундай бемаъни фикрлардан ўзингизни худди заҳардан сақлангандек эҳтиёт қилинг. Омадга ишонмаслик онгингизни заҳарлайди. Омадли инсон бойликнинг кўплиги яхшиликка, омад эса фақат инсоннинг ўзига боғлиқ эканлигига ишонади. У қанча кўп даромад топса, бошқаларга моддий ёрдам бериш имконияти кўпайишига имони комил. Оддий ҳақиқат: агар саховатпеша аввал ишлаб даромад топмаса, қандай қилиб хайр-эҳсон қилиши мумкин? Атрофдагиларга ёрдам бериш йўллари кўп. Фаровон ҳаётингиздан лаззатланиб, бошқаларнинг ҳам унга эришиши учун қўмақлашинг. Омадингиз чоғанда, эҳсон қилишингиз, дўстларни қўллаб-қувватлашингиз... хуллас, моддий қудратингизни яхшиликка сарфлашингиз мумкин. Омадли бўлиш, бойликлар яратиш ва бошқаларга ёрдам бериш — бу сизнинг бурчингиз.

## ЮТУГИНГИЗ ҲАММАГА ЁРДАМ БЕРАДИ

Ҳар бир ишга улугурувчи одамларнинг бошқаларга ёрдам бериши — ҳамма учун ибрат, уларнинг ютуғи ҳар биримизга сингиди. Омадли бўлиш — аввало ўзингиз, фарзандларингиз, дўстларингиз ва сиз билан боғлиқ бўлган барча-барча олдидаги бурчингиздир. Чунки у ҳаммага наф келтиради.

Катта ютуқларга эришишни гоё қийин деб ўйлаб, ўзингизни шунчаки майда-чуйдаларга йўналтиришдан олдин англаб олингки, омадингиз — бу сизнинг иззат-нафсингиздан юксак бўлган ЎЗЛИГИНГИЗДИР. Худбин бўлманг, омадга эришинг. Дунё сизнинг ютуқларингизга муҳтож!

**Бахтли ва омадли бўлиш учун ҳеч қандай чеклов йўқлигига Аллоҳ Таолонинг мана бу сўзлари энг яши далилдир:** «Яхшиликка қўмак берган киши яхши насиба олгусидир, ёмонликка қўмак берган киши ёмон насиба олгусидир! Аллоҳ ҳамма нарсага қодир!»

Гулгун СУЛТОНОВА тайёрлади

# Ҳамма жойда фақат имконият!

ма йилига 3,5 миллиард долларлик пул айланмаси билан ишлайди ва қўндан-қўнга фаолияти кенгайиб бормоқда.

Президент Франклин Д.Рузвельт касаллиги туфайли ўзи ногиронлик аравачасига ўтиролмасди, туролмасди ҳам. Аммо у мамлакатни «қаттиқ тажанглик» ҳолатидан олиб чиқиб, тарихда ҳурматга сазовор арбоб бўлиб қолди.

Боб Хоук ашаддий ичкиликбозликдан қўтилиб Австралия бош вазири лавозимига кетма-кет тўрт марта сайланган.

Йирик компания асосчиси Жон Кехо муовинларини қандай ишга олиш сирини очди: «Биз ҳеч қачон янги, муаммо кўрмаган битирувчиларни ишга олмаймиз. Катта муваффақиятсизликка учраб оёққа турган киши янаям қатъий ва масъулиятли одамга айланади. Омадсизлик шахсни ўстиради.»

Айнан ҳозир Сизни қандай имконият кутиб турибди? Уларни изламагунча ҳеч нимага эришолмайсиз. Камдан-кам ҳолда омад Сизни беҳосдан қучоқ очиб кутиб олади. Кўпинча улар муаммо ва ташвиш ортида беркиниб туради. Муаммоларингизни тадқиқ этишни бошланг ва улар Сизга қўтилмаган совға ато этади. Асабийлик ва кураш — бу Сизга берилган имконият. Арнольд Шварцнегер айтганидек: «Мен курашга ишонаман».

## ОМАДЛИ ОДАМНИНГ ОНГИ

Ҳар ишда муваффақият қозонишни истаган одам аввало ўзида омадли одамнинг фикрлаш тарзини ривожлантириши керак. Эътибор беринг, «ривожлантириши» керак, чунки бу нарса ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. У тугма эмас. Бу ҳар қачон ва ҳар қаерда омадни кутиб олишга тайёр



қадамда кутиб турибди.

**3-ишонч:** Ҳаётининг ҳамма соҳасида чекланмаган имкониятлар бор. Омадсизнинг фикрича, нимаики яхши, нимаики юз бериши мумкин бўлса — бу ҳозир кўриб тургани. Бундай одамлар Сизни барча яхши гошлар аллақачон кашф этилган ёки ҳозир янгилик ўйлаб топишнинг вақти эмас, деб ишонтирмоқчи бўлади. Унинг фикрича, вазият ҳар доим чорасиз, ҳаракат қилишнинг маъноси йўқ. Омадли инсон ҳаётининг ҳамма соҳаси доимо беҳисоб, улкан имкониятларга тўла, деб ишонади. Бир эмас, икки эмас, беш-ўн эмас, чек-чегарасиз имкониятлар. «Қани ўша имкониятлар?» дейсизми? Ҳамма жойда! Кўзингизни катта очиб, ақл қўзлари билан омадли инсон онгини ўзингизда уйғотсангиз, жуда тез орада Сиз уларни кўрасиз.

Агар атрофимда чекланган имкониятлар бор деб ўйласангиз, фақат улардан фойдаланасиз, холос. Агар имконият йўқ деб ишонсангиз, уни изламайсиз. Лекин ҳаётнинг барча соҳасида улкан имкониятлар борлигига имонингиз комил бўлса, уларни жонжаҳдингиз билан қидирасиз. Бу ҳақда жиддий ўйланг! Мустаҳкам соғлиқ учун ҳам беҳисоб имконият керак. Соғлом бўлиш учун имкониятлар беҳисоб.

**Янги муносабат ўрнатишининг йўллари кўп.**  
**Мансабингиз кўтарилиши учун имконият чексиз.**  
**Оилангиз билан яна ҳам аҳил бўлишининг имкониятлари бор.**  
**Бахтли ҳаёт кечиринининг имкониятлари кўп.**  
**Даромад қилишнинг имкониятлари чексиз.**  
 Цивилизация тарихида ҳаёт ҳозиргидек шитоб ўзгармаган.

## Тадқиқот

**Кишининг қанчалик узоқ умр кечиршига асосан ирсият, экология, ҳаёт тарзи таъсир қилади, деб ҳисоблашар эди. Яна бир омил кўшилди. Бу ақлий меҳнат, интеллектуал юкнинг оғирлиги.**

## Ижод қилинг, умрингиз узаяди

Кексайиш ва ақлий меҳнат ўртасидаги боғлиқликни Британиянинг тиббий тадқиқот Кенгаши мутахассислари аниқладилар. Улар турли ижтимоий гуруҳ ва касб эгаларидан 1000 кишининг соғлигини кузатиб, ўз хулосаларини эълон қилдилар. Кузатувлардан маълум бўлишича, бир умр ақлий меҳнат билан шуғулланганлар ўртасида ўлим даражаси миясига оғирлик туширмайдиганларга нисбатан тўрт баравар камдир. Тадқиқотчилар доимий равишда ақлий меҳнат билан шуғулланишнинг аҳамиятини алоҳида таъкидламоқдалар.

Олимлар фақат статистик маълумотларни келтиришди, сабабини тушунтиришмади. Буни Россия фанлар академияси Инсон мияси институти илмий раҳбари Н. Бехтерова шундай изоҳлайди:

— Машҳур физиолог олим Евгений Соколов қачонлардир жонли мавжудотнинг мияси «белгилар кўйилган чизиқлар» бўйича фаолият кўрсатади, деган эди. У жониворларнинг мияси дастур асосида ҳаракатланишини аниқлади. Нейрон тўрлари ҳар-ҳар жойда бекатлари бор поезд йўлига ўхшайди. Инсоннинг мияси эса мураккаб, аммо унда ҳам «белгилар кўйилган чизиқлар» бор. Хонага кирасизми, чироқни ёқасиз-

ми, стулга ўтирасизми — булар оддий ҳаракатлар чизигидан ўтади. Инсон миясида оддий ва мураккаб жараёнлар кечади. Янги бир нарса қилмоқчи бўлсангиз, миянинг ҳамма қисми «ёнади», сўнг кераклиси қолиб, бошқаси «ўчади». Ҳаракат қанчалик жўн бўлса, миянинг шунчалик оз қисми ишлаб, бошқаси бўш қолади. Кўпроқ қисми ишлаши учун мураккаб фикрий жараён кечиши, андозасиз вазифаларни бажариш, ижод қилиш керак. Замонавий ускуналар ёрдамида қайси пайт миянинг қайси қисми ишлаши кузатилди. Ижодий жараёнда миянинг барча қисми ишлайди, хотира жонланади, эҳтирос кўзғалади ва ҳоказо. Шунда мия тўлақонли ҳаёт кечиради.

Болаларнинг мияси ҳам кўзгатувчи бўлмаса, яхши ривожланмай қолади. Киши умри давомида фақат оддий ишларни қилган бўлса, масалан, кўча сурпурган, конвейер ортида ўтирган, миясига оғирроқ юк тушмаган бўлса, кексайганда хоржий тилни ўргана олмайди, ёд олишга қийналади. Бир умр ақлий меҳнат билан шуғулланган кекса кишининг хотираси 30-40 ёшдаги каби бўлмаса-да, эслаш қобилиятини яхши сақлаб қолади. Муҳими, қийин вазифаларни ҳал қилиш жараёнида ёши каттароқ кишиларда ҳам янги алоқалар, янги ней-

ронлар, асаб хужайралари вужудга келади. Шаклланаётган нейрон тўрлари ишлаётганда организмнинг бошқа жараёнларига ижобий таъсир кўрсатади. Яхши фаолият кўрсатадиган мия

ҳатто инсульт асоратларини ҳам бартараф этади.

Оғир вазифалар инсон мияси учун нафақат фойдали, балки ҳаётини заруратдир. Ишлайдиган мия одамлари гавжум, кечалари чироқлар чарақлаган шаҳарга ўхшайди. Ишламайдигани эса, бир-икки чол-кампирдан бошқа ҳеч ким йўқ, ҳувиллаб қолган қишлоққа ўхшайди. Бунда ҳаётдан асар йўқ.

Бу ноёб аъзо киши организмдаги бошқа жараёнларни ҳам тартибга солади.

Аммо, танганинг икки томони бор, деганларидек, ақлий меҳнат билан шуғулланганлар узоқ яшасалар-да, соғлом бўлмайдилар. Яхшиси, ёшлиқдан ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнатни қўшиб олиб борган маъқул.

Бир кекса бемор хотирасидан нолиди. «Кўп ўқийсизми?» деб сўрадим. «Ҳамма газеталарни қолдирмай ўқийман» деди. «Агар бошқа нарсаларни ҳам ўқимасангиз, мен сизнинг кексалигингизга ҳавас қилмайман» дедим.

Мен вақтимни қаттиқ режа асосида ўтказаман. Ёзаман деб белгиланган нарсамни ёзаман. Фақат уйку олдиан энгилроқ, бадийий бир нима ўқийман.

**Хориж матбуоти материаллари асосида Довуд МАДИЕВ тайёрлади**

## Қатра

“Ойи, ўрик гуллабди”, деганича ўғлим кўчадан югуриб келди. Овозидан хурсандчилиги-ю хайрати кўриниб турар эди. Мен ҳам қизиқиш ва орзиқиш билан тўртинчи қаватнинг деразасидан пастга қарадим. Билан қаватли уйлarning соясига мунгайбгина ўрик дарахти ўсарди. Бугун эрта тонгдан қуёш тегадиган томони гуллабди, назаримда дарахт озроқ жилмайгандай. Ҳа, Яратганининг шамолини-да шу дарахтга раво кўрмаётган, қуёшнинг нурини тўсиб ҳеч нарсага бўй бермаётган гишт, бетон, бинолардан ўтиб баҳорни қутиб олишнинг ўзи бўлмагандир. Нозиккина новдалари атрофдагиларга қанча шодлик улашади. Ўрикнинг шохига тепадан кўз ташлар эканман, ёшлик йилларим, қишлоғим эсимга тушди.

## Соғинч

Болалигимда дарахтларнинг бўйлари осмон билан туташган эди. Уйнинг томларида қизгалдоқлар ўсарди. Ўрик, шафтолиларнинг оқ, пушти гуллари шабадада кафтимизга учиб тушарди. Баҳор келиши билан уйдан айвонга кўчардик. У вақтлар айвонлар ёпилмаган, баъзида тарвақайлаган шохлар айвонга ҳам мўралаб турарди. Қариялар офтоброқ жойга чиқиб баҳор қуёшида ўзларини тоблар эдилар. Ариқ бўйдан ялпизлар, қирлардан чучмолар териб келсак, кекса момоларимиз кўзларига суртиб “Омонлик-сомонлик, ҳеч кўрмайлик ёмонлик” дейишарди. Ариқ бўйидаги ялпизларнинг ифори ҳеч димоғимдан кетмайди.

Уйимизга қалдирғоч уя қўярди. Энам қалдирғочнинг дўстлиги ҳақидаги афсоналарга ишониб, қалдирғочларни жуда яхши кўрар эдилар. Баҳордан то кузгача қалдирғоч уя қурган уйнинг эшиги ёпилмасди. Энам содда ва бағри кенг аёл эди.

Кўп қаватли уйлarda эшигимизни битта эмас, иккита қуф билан қуфлаб оламиз. Қўшнилар билан онда сонда кўришамиз. Биров билан бировнинг иши йўқ. Ҳайронман, ҳаёт шундай давом этаверса, темир эшикларнинг ортида темир юракларга эга бўлиб қолмасмиканми?

Юрагим яна қишлоғимга талпинади. Кечкурун қўшни товуқ чиқарди. Биз ҳам бир кеса овқатимизни қўшимизга илинар эдик. Уйимиздан кўн-қўшнилар, қариндош-уруғ аримасди. Кўз-кўзга, юз-юзга тушса, меҳр деган нарсанинг ипи узулмас экан. Уйлаб қарасам, одамзотга бир чимдим меҳрдан бошқа нарса керак эмас. Бу содда ва раво дунёни чалқаштирган

ўзимиз эмасми? Қуёш ҳаммага бирдек нур сочади, ер ҳамгани бирдек кўтаради. Қуёш билан ернинг ўзи бизга йўлни кўрсатувчи-ку! Эҳтимол шунинг учун кенг далаларни қўмсаётгандирман. Қуёшнинг ва ернинг тафтидан меҳр олиб, ўша меҳрни одамларга улашгим келаётгандир.

Ёшлигимда нимани ният қилсанг шунга эришсан, дейишади. Болалигимда доим тўққиз қаватли уйнинг энг баландида яшайман, дердим. Баланд биноларнинг сийрати кўзимга жуда чиройли кўринарди. Мана, ниятимга етиб юқори қаватда ўтирибман. Иссиқ сув, совуқ сув, ҳамма шароитлар яратилган. Лекин ўзимни ердан узилиб қолгандек ҳис қиларман. Йиллар ўтгани сайин одам ўзлигига қайтишни бошлар экан. Қизиқ, ўғлим кўп қаватли уйда туғилиб ўсди, кексайганда у нимани кўмсаркин? Нимжонгина бир дарахтнинг гулини кўриб, баҳор шу деб ўйлапти. Юрагимда ачиниш ҳисси пайдо бўлди ва ўзимни гуноҳкордай ҳис қилдим. Чунки ота-онам берган кенгликни мен унга беролмадим.

Қишлоқдаги ҳар бир нарса гўзал, ҳатто чигирткаларнинг чириллаши-ю, қурбақаларнинг қуриллаши ҳам кишига завқ бағишлайди. Қўшларнинг кечкурунги чуғур-чуғурининг ўзи бир олам.

Осмонда каптарлари уйнаган қишлоғим. Ҳозир боғлари-ю адиралида баҳор кезиб юргандир. Соддалик одамлари чайир билаклари билан ишга киришгандирлар. Тушларимда уфққа туташган далаларда юраман. Шууримга жойлашиб қолган хотиралар қайта-қайта жонланаверади.

Нурга, меҳрга тўла қишлоғим...

**Барно РУСТАМОВА**

## Инсон ва табиат

**Овчилик ҳаётида нималарга дуч келинмайди дейсиз. Гоҳо отиб ўлдирдим, деб ўйлаган бўрингиз яқинига борганингизда сизга ташлашиб қолади. Жўри қуш (овчилар гавдаси йириклигидан уни «айикқуш» ҳам дейишади) эса бошингиз узра тош ёғдиришдан ҳам тоймайди. Улар орасида энг хавфлиси бургут. Кексалар тили билан айтганда, бургут ҳужумидан ўзи асрасин! Шу боис қаноти узун, қайрилма тумшукли бу ваҳшийдан узоқроқ юришга интилам. Бир сафар шаҳар хайвонот боғида ишлайдиган танишим илтимоси борлигини айтди. Шу вақт бегона киши орага кўшилди-ю гапимиз бўлинди. Эртасига учрашганимизда қўлимни маҳкам тутди...**

— Бургут боласи керак, сиз тоғ-тошга кўп чиқасиз. Зоопаркимизда биттаси бор эди, кун битган экан жониворнинг. Утган ой ўлиб қолди. Директор ҳеч қўймапти, ернинг тағидан бўлсам топасан, даяпти, томошабинлар сўраётган эмиш.

Овчилардан, қариялардан эшитганларимни ва кўрган-кечирганларимни эсладим. Юқорида таъкидлаганимдек, кўплар бошига ташвиш солган бу қушга жонидан тўйган одам кўл узатади. Ахир мусичадек ювош товуқ жўжа очгач, қанақа жангарилашиб кетади. Яқинига борсангиз, кўзингизни ўйиб олишга тайёр. Энг йирикларининг вазни 50-60 кило тош босадиган, қанотининг узунлиги 2,5-3 метрли, панжалари пўлат чангакни эслатувчи қушлар шоҳи бошасига кўз олайтириш бошни сиртмоққа ўз ихтиёри билан тикиш, деган гап-ку!

— Бўлмайди, — дедим унамасдан. — Қўлимдан келмайди.

Шеригим бир оз жим тургач, ялинганнамо боқди.

— Жон дўстим, ҳар қанақа сарф-харажатга йўқ демаймиз, мени бу галвадан қутқаринг.

Пулдан сўз очганига жаҳлим кўзгади-ю шайтонга ҳай бердим.

— Майли, ўйлаб кўрай-чи!

— Агар уяси қояда бўлса, альпинист ўртоғим бор, қўшиб бераман. Хоҳласангиз, мерган синфдошимни ҳам олинг. Табиатга зарар етказмайди, онасини ухлатиб қўядиган ўқ билан отади. Ошиги билан иккитагина полапонини олмасангиз, таом, иш битади.

Дўстим тавсияси билан альпинист ва мерган учовлон Чотқол тизмаларига қараб йўл олдик. Қушчелак қишлоғидаги қадрдоним Тўхтамиш овчи уйда кўноқ бўлди.

Мақсадимизни айтдим, шерикларимни таништирдим. Овчи узоқ ўйга толди.

— Мушкул юмуш бу. Бироқ олис ердан келибсизлар, уриниб кўрамиз.

Тонг саҳардан тоққа отландик. Бургут сероб экан, уч-тўрт жойда учратдик. Овчи чолнинг тажрибали кўзи қоялар бўйлаб югуради. Ниҳоят вақт пешиндан оққанда ёлғиз суппайган учли қоя ёнидаги, дўлана қийшайиб



## Бургут полапонлари

ўсган харсангни кўрсатди.

— Утган йили бургут полапонини шу ердан учирма қилган. Ёз бошларида ҳам чангалида тулки боласини кўтариб шу харсанг четиға кўнганини кўрганман.

Бургут бор-йўқлигини билиш учун ўша тарафга қараб

милтиқ отдик. Ҳеч қандай шарпа чиқмади.

— Бунақа пайтда онаси овда бўлади, — деди чол ишонч билан. — Кун ботиш олдиан қайтади.

Бикинига сим сават осган альпинист йигит қоя бўйлаб ўрналади. Чолнинг қўлида ҳам милтиқ. Мерган шеригимиз баландроқ кўтарилиб, альпинист ҳаракатини юрак ютиб кузатишни бошлади. Ярим соатлар ўтгач мушукдек чаптастлик билан ортига қайтаётган шеригимизни кўриб энгил тордик. Халтадаги юк якқол биланарди. Овимиз беҳатар ўтганидан, омадимиз юришганидан хурсанд эдик.

Полапонларнинг ҳар бири она товуқдек келарди. Қайрилган тумшуклари қипқизил, ҳали қотмабди ҳам.

Ожизлик билан чийиллашарди. — Қўлимни чўқиб олди, альпинист йигит мамнун жилмайди. — Ростини, уяга яқинлашганимда ўзим ҳам роса кўрқдим.

Шитоб билан орқамизга қайтдик. Боласи ўғирланган

бургутдан ҳар нарсани кутиш мумкин эди.

Полапонларни овчининг уйидаги катакка киритдик.

— Ҳозир тўғри шаҳарга жўнасаларингиз, жўжалар йўл азобига дош беролмайди, — огоҳлантирди чол. — Сал бўлса-да, қўлга ўргансин.

Шерикларимиздан бирови қишлоқ қассобхонасидан гўшт келтирди. Ярим кечада чироқ ёруғида қарадим. Гўшт шундайлигича турарди.

Тонг ёришди. Тагин катакка қараб чопдик. Полапонларнинг биттаси оёғи осмонда тош қотганди. Иккинчисининг ҳам холи хароб. Кўзларини юмган, ҳар замонда уйқусирагандек аранг очиб кўярди. Чолни қақирдим.

— Кеча айтмабдим, полапоннинг тутқунликка дош бериши қийин, — деди уй эгаси сийрак соқолини тутамлаб. — Ишқилиб буниси тирик қолсин-да.

Кун ўрталарига бориб иккинчи қушча ҳам шериги ёнига юмалади. Афсус! Наҳотки, шунча ҳаракатимиз бекор кетса! Эсиз бургутчалар! Агар уяларидан олманганимизда, эҳтимол, бир аср умр кечирган бўлармики! Нимагаям зоопаркчи танишимнинг гапига кира қолдим? Кўнгилачанлигим қимматга тушганидан дилим хуфтон бўлганди.

**Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, Ўзбекистон. Ёзувчилар уюшмаси аъзоси**




# АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ ТУРОНБАНК

*Мамлакатимиз фуқароларини баҳорнинг иўзал  
байрами ~ Наврўзи олам билан самимий  
табриклайди.*

*Ҳаммага баҳорий кайфият, шинїлик-хотиражамлик,  
узок умр, бахту саодат тилайди.*

*Хонадонингизни шодлик ва фаровонлик ҳеї қатон  
парк этмасин!*



## ЎЗБЕКИСТОН ЁҚИЛГИ-ЭНЕРГЕТИКА КОМПЛЕКСИ, КИМЁ САНОАТИ ВА ГЕОЛОГИЯ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ



*Ўзбекистон халқини, шу жумладан нефть ва газ, кимё  
саноатини, геология ҳамда энергетика соҳаларида меҳнат  
қилаётган барга ходимларни Наврӯзи олам билан  
самимий муबारакбод эътади.*

*Янгиликлар ва яшарли айёми барганизга янги бахт ва  
омад, хонадонларинизга янада тошувлик ва  
хотиржамлик, қалбинизга қувонг ва шодлик бахш этсин!*

*Ватанимизнинг иқтисодий салоҳиятини, халқимиз  
фаровонлигини янада юксалиши йўлидаги ишларинизда  
ҳамиша омад ёр бўлсин, азизлар!*

**Ўзбекистон савдо, матлубот  
кооперацияси ходимлари ва  
тадбиркорлар касаба  
уюшмаси Марказий кенгаши**

*Мамлакатимиз аҳолиси ва шароқ меҳнаткашларини*

*Наврўз айёми билан самимий қутлайди.*

*Барганниза баҳорий кайфияти, тинчлик-хотирасамлик,*

*отланниза бахт ва попувлик, дастурхонинниза файзу*

*барака тилаймиз.*

*Ватанимиз Мустақиллигини мустаҳкамлаш, дидримизни*

*бундан-да урлатиб-яшнатилиш йўридаги урувдор ишлариннизда*

*омад Сизга ҳамisha ёр бўйсин!*



## **ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИРЙЎЛЧИЛАРИ ВА ТРАНСПОРТ ҚУРУВЧИЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ**



*Ўзбекистон халқи ва соҳада меҳнат қилаётган барча ходимларни янгилашни айёми бўлмиш фасли Навбаҳор билан чин юракдан табриклайди. Наврўзи оламда барчангизнинг қалбингизга шодлик ва қувонч, оилангизга бахт-саодат тилаймиз. Мустақил диёримизни янада гуллатиб-яшнатиш йўлидаги шарафли ишларингизда Сизларга доимо муваффақият ва зафар ёр бўлсин!*

# Таълим ва фран ходимлари касаба уюшмаси Китоб туман кенгаши

*Шармок ходимлари  
ва мамлакатимиз фуқароларини  
кадриятларимизни шуғулловди  
ва кенг тараннум эпувди  
Наврӯз айёми билан  
самимий табриклайди.*

**Хонадонингиздан  
қут-барака аримасин!**

## **АГРОСАНОАТ МАЖМУИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ БУХОРО ВИЛОЯТ КЕНГАШИ**

*Ўлкамизга ям-яшил сепини ёйиб келган  
Наврўзи олам муносабати билан  
қишлоқ хўжалик ходимларини,  
уларга ҳамкору  
ҳамнафас бўлаётган корхона ва  
ташкилотлар ишчи-хизматчиларини  
муборакбод этамиз.  
Бу айёмда барчага сиҳат-саломатлик,  
бахт-саодат, ишларига  
барака тилаймиз.*



# **ТАЪЛИМ ВА ФАН ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ АНДИЖОН ВИЛОЯТ КЕНГАШИ**

*Барча юртдошларимизни, таълим фидойиларини, соҳа ходимларини кўҳна ва улуғ байрам — Наврўзи олам билан чиндилдан муборакбод этади! Она табиат гуллаб-яшнаб, олам-олам шодлик бахш этаётган фарахбахш кунларда ҳамма-хаммангизга саломатлик, бахт-саодат, хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик тилаймиз!*

**Бир ҳикмат ўқийман тонглардан такрор,  
Азал асраб келган мангу буюқдек!**

**Ватан — қирғоқларга тошган тўлқинлар,  
Ватан — чинорларга кўчган тириклик!**

**Наврўзинг муборак, жонажон диёр!**

# Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси Марказий кенгаши

*Азиз юрtdошларимизни энг  
қадрли байрам ~*

*Наврўзи олам билан ин  
дилдан қутлайди.*

*Янги кун ҳар бир  
хонадонга қувонг ва  
шодлик, файзу барақа олиб  
кирсин!*

*Қалбларни баҳорий  
кайфият асло парк этмасин!*



**Иқтисодиётда меҳнат тақсими, иқтисослашув, интеграция жараёнлари объектив зарурат эканлиги олимлар томонидан тўла исботлаб берилган. Унинг амалдаги тасдиғи кундалик ҳаётимизда очик-ойдин намоён бўлмоқда. Бунга мисоллар жуда кўп. Ана шундай мисоллардан бири ва энг намуналис Европа Иттифоқидир. Унинг тажрибаси ва таъсири ниҳоятда ибратли.**

1957 йилнинг 25 мартда Римда 6 мамлакат: Франция, ГФР, Италия, Бельгия, Нидерландия ва Люксембург миллий хўжаликлари ягона Европа иқтисодий ҳамжамияти — «Умумий бозор»га бирлаштириш тўғрисида қарорга келдилар (У «Рим клуби» деб ҳам юритилди). Бу келишув 1958 йил 1 январдан кучга кирди.

Иқтисодий интеграция жараёни аслида 1944 йили бошланган бўлиб, бунда 3 давлат: Бельгия, Нидерландия (Голландия) ва Люксембург бирлашиб «Бенилюкс» ташкил этилган эди. Бу тажриба таъсири остида (13 йил) Европа иқтисодий ҳамжамияти тузилди ва муваффақиятли фаолият кўрсатиб келмоқда.

Бу ташкилотнинг ярим асрлик тажрибаси шуни кўрсатадики, интеграция жараёни эволюцион (босқичма-босқич) йўл билан амалга оширилиб, нисбатан қисқа вақт давомида иқтисодий равақ ва яхши турмуш даражаси таъминланди.

Шундай қонуният аниқки, бу ташкилотга аста-секинлик билан маълум шароитдан сўнг, тегишли қонун-қоида асосида аъзо бўлиш урф бўлган. Дастлабки ва асосий қоида: бу аъзо давлатларнинг иқтисодий ривожланишидаги йўлнинг деярли бир хиллиги (Эркин иқтисодий бозор муносабатлари), иқтисодий ривожланиш даражасининг нисбатан яқинлиги (қолоқ давлатлар учун йўл ёпиқ), ишсизлик, инфляциянинг маълум меъёрлардан паст бўлиши, давлат бюджети камомади ҳамда иқтисодий ривожланиш билан бирга демократик тамойилларга амал қилиш зарурати ва бошқалар. Шу сабабли аввал 3 давлат, кейин 6 давлат, ҳозирги даврда 27 давлат бу ташкилотга аъзо бўлди. Дастлаб 6 давлатдан ташқари «қўшилган» иштирокчилар сифатида (аъзо эмас) Греция ва Туркия ҳам ташкилотга кирган, аммо Туркия ҳали ҳам аъзо эмас (бу ерда кўпроқ сиёсий омиллар асосий ўринни эгаллайди, масалан, Кипр масаласи ва бошқалар).

Ташкилотга аъзо бўлиш тўла ихтиёр бўлиб, аъзо бўлишни истаган давлатлар халқларининг референдуми (халқ сўрови роилиги) орқали амалга оширилади. Оқибатда 1973 йили Буюк Британия, Дания, Ирландия, Норвегия, 1979

ган давлатлар) учун умумий божхона тарифи ва сиёсати эса сақланиб қолди.

1962 йилдан бошлаб мамлакатлар ўртасида ягона қишлоқ хўжалиги сиёсати амалга оширилди бошланди, аммо бу жараёнларни бошқарувчи давлатлараро ташкилот (орган)лар тузилмади. 1968-1976 йиллари эркин

юқори қилиб белгиланган ва бу импортни кескин қисқартиришга имкон яратади. Шу билан бирга ортиқча ишлаб чиқаришга ҳам йўл берилмайди ва майда фермер хўжаликлари қўллаб-қувватланади, давлат томонидан рағбатлантирилади. Европа Иттифоқи доирасида ягона нарх сиёсати ва уни сақлаш механиз-

амалга оширади: Европа Кенгаши, Европа парламенти, ЕИ Комиссияси, Вазирлар Кенгаши ва ЕИ суди.

Ўзбекистон тезкорлик билан жаҳон бозорига кириб бормоқда. Интеграцион жараёнларга жалб этилмоқда. Ўтган йили Евроосий иқтисодий ҳамжамиятига аъзо бўлди ва ишончимиз комилки, бошқа мамлакатлар, айниқса, Европа Иттифоқининг бу соҳадаги 50 йиллик тажрибаси асқотиши аниқ. Бу тажрибани ҳар томонлама янада чуқурроқ ўрганиш, улардан сабоқ олиш, маълум хулосага келиб, амалда жорий қилиш муҳим аҳамият касб этади.


Европа Иттифоқи тажрибаси шуни кўрсатадики, иқтисодиётда муҳим таркибий ўзгаришлар рўй беради, чунки очик иқтисодий сиёсат олиб борилганлиги туфайли, эркин рақобат кучли бўлади ва самарали иқтисодиётни юритиш осон бўлмайди. Бунга айниқса, Италия тажрибаси ўрнатқ бўлиши мумкин. Бу давлат асосан аграр бўлган, аммо иттифоққа аъзо бўлгач, бошқа мамлакатлардан сифатли ва арзон маҳсулотлар кириб келди ва Италияда қишлоқ хўжалиги самарадорлиги кескин пасайди. Оқибатда иқтисодиёт таркибини кескин ўзгаришига тўғри келди, саноатнинг — пойабзал, автомобил, электроника ва бошқа соҳаларини ривожлантириш талаб этилди ва бу соҳада муҳим ютуқлар қўлга киритилди.

Иқтисодчи олимларнинг назарияларига кўра, ҳар бир давлат маълум соҳада мутлақ ёки нисбий устунликларга эга бўладики, уни аниқлаш ва ундан тўғри фойдаланиш яхши самара беради. Республикаимизда ҳам бундай имкониятлар катта, айниқса, инсоний ва табиий ресурслар бисёр, уларни ишга солиш йўли билан иқтисодиётни ривожлантириш ва халқ моддий турмуш даражасини кўтариш вазибалари қўйилди.

2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларида «Иқтисодиётни барқарор ва мутаносиб суръатларда ўсиши ҳамда таркибий ўзгаришлар ва модернизациялашни таъминлаш, энг муҳим тармоқларни техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, солиқ сиёсатини янада эркинлаштириш» кераклиги қайд этилган. Қўриқ турибдики, иқтисодий ҳамкорликка аъзо бўлиш келажакда мамлакат равақи учун муҳим омил бўлади. Европадаги жами 55 та давлатнинг 27 тасини ўзига бирлаштирган Европа Иттифоқининг 50 йиллик тажрибаси яхши сабоқдир.

Абдуҳалил РАЗЗОҚОВ,  
ТДИУ профессори

# ЭВОЛЮЦИОН ИНТЕГРАЦИЯ ЖАРАЁНИ



йили Греция, 1986 йили Испания ва Португалия, 1995 йили Австрия, Финляндия, Швеция ва бошқа давлатлар бу ташкилотга аъзо бўлдилар.

Собиқ социалистик деб номланган давлатларнинг эркин бозор муносабатларига ўтиши сабабли Польша, Чехия Республикаси, Словения, 2007 йилдан Болгария ва Руминия ҳам шу ташкилотга кирдилар. Ташкилотни кенгайтириш бўйича мунозаралар кенг тус олган бир пайтда балки шу билан чекланиш зарурми деган ғоялар ҳам мавжуд.

Табиийки, интеграциядан асосий мақсад иқтисодий фаолиятни ҳар томонлама ривожлантириш, барқарор ва доимий ўсиш орқали халқ моддий турмуш даражасини яхшилаш, ташкилотга аъзо давлатлар ўртасидаги барча алоқаларни мустақкамлашдан иборат.

Бунда босқичма-босқич миллий бозорлар ягона бозорга айланиб боради, бунинг учун ўзаро савдодаги барча тўсиқлар олиб ташланаверади, барча учун баробар божхона тарифи жорий қилинади, инсонлар, товарлар, капитал ва хизматларнинг эркин ҳаракати амалга оширилади. Транспорт ва хўжалик соҳасида ягона сиёсат юритилади, иқтисодиётда келишилган сиёсий тамойиллар ишлаб чиқилади, рақобат бўйича ягона қоидалар ўрнатилади, мамлакат қонунлари имконият борича бир-бирига яқинлаштирилади. Бу тадбирларни амалга ошириш учун деярли 12 йил (ўтиш даври деб ҳам аталади) вақт зарур бўлди.

1958-1969 йиллар давомида эркин савдо ҳудуди барпо этилди, аста-секинлик билан божхона тўловлари ва ўзаро савдода ҳар қандай микдорий чеклашлар олиб ташланди, учинчи мамлакатлар (ташкилотга аъзо бўлма-

савдо ҳудудлари ташкил этила бошланди. Шу даврда божхона иттифоқи афзалликларидан кенг фойдаланилди, мамлакатлар ўртасида ягона божхона сиёсати юргизилди. Бу даврда валюта — молия соҳасидаги интеграция жараёнлари ҳам бошланди. 1972 йилдан бошлаб айрим давлатларнинг эркин ҳаракати, 1979 йилдан ягона Европа валюта тизимига ўтилди.

Кейинги босқичда (1987-1999 йй.) умумий бозор тамойилларини амалга ошириш бошланди. 1985 йили имзоланган ҳужжатга ягона ички бозорни барпо қилиш учун товарлар ва ишлаб чиқариш омиллари (капитал, меҳнат) ҳаракатига халақит берадиган барча тўсиқлар олиб ташланадиган бўлди, оқибатда ташкилотга аъзо давлат фуқаролари эркин ҳаракати бошланди. Стандартлардаги фарқлар, масалан, дипломлардаги фарқлар тугатилди, ўзаро ишонч шаклланди, шу билан бирга солиққа тортиш тизими ягона ҳолга келтирилди. Демак, бу даврда одамлар, транспорт, валюта, товарларнинг эркин ҳаракатига яхши замин яратилди. Айрим соҳаларда ўзаро келишувдан, ягона сиёсатга ўтилди (энергетика, транспорт, ижтимоий ва ҳудудий ривожланиш масалалари).

Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги сиёсат муҳим аҳамият касб этади. Ташкилот аъзоларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари жаҳон бозорида етарли даражада рақобатдордир эмас, шу сабабли миллий ишлаб чиқарувчилар учун қулай шароит яратилган. Келишилган ягона аграр сиёсат бўйича қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ўртача жаҳон бозоридаги нархлардан деярли 30 фоиз

ми ишлаб чиқилган. Қишлоқ хўжалиги ягона молиялаш фонди орқали амалга оширилади, бунга иттифоқ бюджетининг деярли ярми сарф қилинади.

Кейинги босқичда Европа иқтисодий ҳамкорлиги («Умумий бозор») номи ўзгартирилди ва «Европа Иттифоқи» (ЕИ) деб номланди, иқтисодий иттифоқ босқичи бошланди, бу воқеа Нидерландиянинг Маастрихт шаҳрида 1992 йил февралда рўй берди ва 1993 йил ноябрдан кучга кирди. Унда сиёсий интеграция ва валюта тўғрисида қарор эълон қилинди. Унга кўра, ягона валюта чиқарилди ва Марказий банк тузилди, миллий пуллар муомиладан аста-секинлик билан чиқарилди, ягона солиқ тизими жорий этилди, миллий бюджетлар сақланган ҳолда, умумий бюджет ҳам шаклланди.

2000 йилдан бошлаб янги ягона валюта — Еврога ўтилди, аммо Буюк Британия, Дания ва Швеция аҳолиси ўз миллий валюталарини ҳимоя қилиш тўғрисида овоз бердилар. Худди шунингдек, Европа Конституциясини қабул қилиш бўйича ҳам яқдиллик бўлмади ва уни ишлаб чиқиш, тўлдириш давом эттирилди.

Европа Иттифоқини бошқариш тамойиллари ҳам ўзига хос хусусиятга эга, уни беш асосий институционал орган

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИ ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«TULPOR» савдо уйи  
масъулияти чекланган жамияти

\* Россия Федерациясининг барча турдаги «УАЗ» ва «ВАЗ» автомобилларини нақд пулга ҳамда пул ўтказиш йўли билан сотишини маълум қилади.



- \* Автомобилларга буюртмалар ҳам қабул қилинади.
- \* Автомобилларга божхона солиғи тўланган.
- \* Уларнинг сифати тўла кафолатланади.



Манзил: Фарҳод ярмаркаси, 3-қатор.  
Мурожаат учун телефонлар:  
(8-371) 276-33-51. Факс: (8-371) 117-46-10

## «MED-PLUS»

Желая улучшить ваше здоровье  
сотрудники нашей клиники предлагают  
следующие услуги:

Врачи невропатолог и гинеколог со стажем работы более 30 лет. Ультразвуковая диагностика со стажем работы более 15 лет. Уролог и современная лабораторная диагностика. Физиотерапевтические процедуры, механическая вытяжка, иглорефлексотерапия, массаж.

- инсульт, последствия инсульта и наследственные заболевания, вертебрологические процессы, детские неврологические болезни и т.д.
- бесплодие женское, хронические воспалительные болезни гениталии, TORCH инфекции и т.д.
- бесплодие мужское, простатит, цистит, пиелонефрит и т.д.
- современные ультрадиагностические исследования с определением функции исследуемого органа, в ранней стадии можно определить злокачественные и доброкачественные опухоли.
- просмотр лабораторных анализов на экране монитора.

Наш адрес: Яккасарайский район, У. Носир 112, торцевая сторона «MED-PLUS». Телефон: 362-08-46

Суюнчи!

## Бирваракайига уч ўғил

Яқинда Сирдарё вилояти шифохонасининг туғруқхона бўлимида 3 нафар эгизак туғилди. Уччаласи ҳам ўғил чақалоқлар.


Хушxabар Ховос туманидаги «Ўзбекистон мустақиллиги» деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмасида яшин тезлигида тарқалди. Қишлоқда яшовчи Бегимкулов ва Пиримкуловлар хонадонларида кўшалок байрам бошланди.

Чақалоқ ўғиллар отаси Музаффар тумандаги 16-ўрта мактабда ўқувчиларга математикадан сабоқ беради, бозор иқтисодиёти даври авлодига ҳисоб-китобни ўргатади. Онаси Лолахон эса ибратли хонадон соҳибаси.

Биринчи бўлиб вилоят шифохонасининг туғруқхона бўлими мудири, «Соғлом авлод учун» ордени нишондори Маъмура Тошматовани учратдик. Туғруқхона жамоаси бахтли она ва чақалоқларни кузатишга ҳозирлик кўришарди.

Маросимда иштирок этган Республика Хотин-қизлар кўмитаси масъул ходими Ханифа Зоирова, Сирдарё вилояти ҳокими муовини Дилшоода Ҳайдаровалар бахтиёр ёш оила соҳибасини янги меҳмонлар билан қутлаб, ҳокимлик ва кўмита номидан эсдалик совғаларини топширишди.

(Ўз мухбиримиз)




## Мунажжим башорати

(26 март - 1 апрел)




**КҮЙ.** Чоршанба ва пайшанба сиз учун энг самарали кун бўлади. Чоршанбада сиз қатнашган ишлар муваффақиятли кечади. Ўзингиздаги ижодий жўшқинлиқни сусайтирманг. Жасорат ва қатъиятнингизни атрофдагилар муносиб баҳолайдилар. Пайшанба кунини жароҳатланишдан сақланг. Ҳазарга берилманг. Кучгайратингизни тинч ишларга бағишланг.



**БУЗОҚ.** Душанба кунини эрталабдан кайфиятингиз яхши бўлади. Кейинги кунларга ҳиссиётларингиз ижобий бўлади. Сешанбада алоҳида натижа кутманг. Чоршанба кунини кечки пайт қилган харидингиз унча яхши бўлмайди. Ҳафта охирида катта пул топиш имконияти туғилади. Яқшанба кунини молиявий масалалар тўлиқ ҳал бўлмаслиги мумкин. Харид қилишдан ўзингизни тийинг.




**ЭГИЗАКЛАР.** Бу ҳафта сиз учун бир маромда ўтади. Чоршанба кунини дўстлар билан базмларда иштирок этиб хурсандчилик қилинг. Пайшанба кунини эрталаб очик, самимий суҳбатларнинг айна фурсати. Дам олиш кунлари ишдаги масалаларни ижобий ҳал қилиш имконияти вужудга келади. Ҳар хил ғийбат, ёлғонлардан узоқ бўлинг.



**ҚИСҚИЧБАҚА.** Душанба кунини ташаббусни кўлга олинг. Кўп ишларни қилишга улгурасиз. Асосий ишларни бошқа вақтга қолдирманг. Сешанбада иложи борича уйда бўлинг. Чоршанба касб маҳоратингизни намойиш қилиш учун энг қулай пайт. Пайшанбада харажатлар қиласиз. Шанба кунини кўп жойдан сизга кўнгирак бўлади. Ҳафтанинг охири кунлари уй тозалаш ишлари билан шуғулланг.




**АРСЛОН.** Ўзингизни гўёки саҳна ортида ҳис қиласиз. «Саҳна»га чиқишга пухта тайёргарлик кўринг. Чоршанба ва пайшанба кунлари тўлиқ сизнинг ихтиёрингизда. Маданий тадбирларда асосий қаҳрамонга айланасиз. Ҳамма сизга эътибор қилади. Пайшанбанинг иккинчи ярмида жуфтингизга нисбатан сабрли бўлинг, низолашманг.



**ПАЗИЗОД.** Бу ҳафтада режалаштирган ишларингиз амалга ошади. Жума, шанба кунлари тузган шартномаларингиз қўтилган моддий даромад келтириши мумкин. Шанба кунини жуда кўп куч сарфламанг. Ўзингизни зўриқтирманг. Яқшанба кунини ҳамкорларни эътибордан четда қолдирманг. Баъзи бир жиддий тўсиқларга жилмайиб жавоб беринг. Ҳамма нарсани қулгу билан енгиб ўтинг.



**ТАРОЗИ.** Ҳафтанинг биринчи ярми сокин ўтади. Аммо ўша кунлари молиявий масалаларни ҳал қилиш учун қулай вазиятлар юзга келади. Чоршанба кунини қулгу, шодлик билан ўтказинг. Пайшанбанинг иккинчи ярмидаги ижодий фаолликдан фойдаланиб қолинг. Пайшанба ва жума кунлари ҳамкорингиз билан муносабатингиз тубдан ўзгаради.



**ЧАЕН.** Душанба кунининг иккинчи ярмида уйга керакли буюм олинг. Ҳафтанинг қолган кунлари ижодий иш билан шуғулланиш учун кайфият яхши бўлади. Пайшанба, жума кунлари муҳаббат можароларидан бошингиз чиқмайди. Чақмоқдек муҳаббат бутун вужудингизни қамраб олади. Яқшанба кунини яқинларингизни кўп қийнаманг. Танқид қилманг.



**ЎКОТАР.** Ҳафтанинг дастлабки биринчи ва иккинчи кунлари режаларингиз унчалик амалга ошмаслиги мумкин. Чоршанба кунини болаларингизга бағишланг. Пайшанба кунини ўзингиз ва яқинларингизнинг соғлиғига эътибор билан қаранг. Пайшанба ва шанба кунлари қўтилмаганда бировни севиб қолишингиз мумкин.



**ТОҒ ЭЧКИСИ.** Дастлабки бир-икки кун одатдагидай кечади. Чоршанбада болаларингиз ўз муваффақияти билан сизни хурсанд қиладилар. Қувончли дамларни суратга тушириб муҳрланг. Пайшанба кунини эрталаб истеъдодингизни намойиш қилиш имконияти туғилади. Шанба кунини шошилинч равишда ишдаги масалаларни ҳал қилишга тўғри келади.



**КОВҒА.** Чоршанба ва пайшанба фаол кунлар ҳисобланади. Янги ҳамкорлар билан алоқа ўрнатишга имкон туғилади. Оқилона келишувларга эришишга ҳаракат қилинг. Вазиятни жиддийлаштирманг. Жума, шанба кунлари уй учун яхши буюмлар сотиб оласиз. Яқшанба кунини донолик ва босқинлик билан иш юритинг. Жуфтингиз билан бўладиган кўнгиликлар ўткинчи.



**БАЛИҚ.** Душанба кунини ёқимли ҳиссиётлар қамраб олади. Ҳамма ишларни енгил ва осон амалга оширасиз. Сешанба кунини уй таъмишлари сизни толиқтиради. Пайшанба кунини танингизга қулоқ солинг. Ўша кунини спиртли ичимлик истеъмоли қилманг. Пайшанба ва жума кунлари муҳаббат боғида сайр қиласиз. Молиявий масалалар жуда тез ҳал бўлади. Имкониятдан фойдаланиб қолинг.

*Ўй-э!*  
Энг кўп кроссворд тузган киши Андриан Белл бўлади. У 1930 йилнинг январидан 1980 йилгача «Таймс» газетасига 4520 та кроссворд жўнатган. Бу борада бизда ҳам ўзига ҳос рекорд қўйганини мумкин. Республикамаиз матбуоти саҳифаларини кузатсангиз деярли ҳар бир нашрда жўмбоқли кроссворд ва сканвордларнинг нумари — Фрози Олинов номига дўр келасиз. Агар у киши ҳам ўз кроссвордлари сонини ҳисоблаб гўёки, Белл жаноблари барногини ташлаб қолса, ажаб эмас.

**Жўмбоқ**  
Боши, охири ва ўртаси йўқ егуликнинг номини биласизми?  
Ташкил қилди: КАВОВ: БУВА

*Бир кунни Афанди...*  
Ёш афанди кўчада ойиси билан кетаётди:  
— Ойи, анави кишини қаранг, бошида сочи йўғ-а?  
— деб қолди.  
— Жим, секин, ахир эшитиб қолади, — деди ойиси хавотирланиб.  
Афанди эса таажжубланиб сўради:  
— Ие, ҳали бунини ўзи билмайдими?

**Афоризм**  
Қанчалик уринма, мунтазам яхшилик қилмоқ мушкул. Қанча кўп яхшилик қилсанг, яна ҳам кўпроқ яхшилик қилиш истағи туғилаверади.  
КОНФУЦИЙ

## Изоҳи сиздан...

Бешикларда бўлар эди махсус тешик, Саватчанинг қаерида ўша тешик?  
Зиёдулла НУРПУЛАТОВ, Бўстонлик тумани 43-мактабнинг 7-синф ўқувчиси

«Кўзимдан ёш сизади, қайнқоним сузмайсан, Туриб олиб бир жойда, ўз аҳдингни бузмайсан. Сафарим жуда олис, суза қолсанг-чи, қани», Десам, миниб олибман, ойи, бозор сумкани. Рустам САТТОРОВ, Наманган шаҳридан

Юравериш жонга тегди, Белларим ҳам эгилди. Шартта тушиб халтага, Кетаялман Ялтага!

Нозимахон АҲМАДБЕКОВА, Тошкент шаҳридаги 279-мактабнинг 9-синф ўқувчиси

Чикармасдан мошинга, Фарзанд қилиб «Ошинга», Не кўйларни солдингиз, Ойижоним бошимга.

Кенгуру эмас бунча, Ерда қолмайди гунча, Озод этинг Сиз мени, Туринг дунё тургунча.

Асалхон МҮЙДИНОВА, Янгиқўрғон туманидаги 4-мактабнинг 6-синф ўқувчиси

Энг яхши, энг қувнок изох эгасига махсус совғамиз бор. Энди навбатдаги суратга изох топинг-чи?

<b>Ishonch</b>	<b>Бош муҳаррир</b> Абдуҳолик АБДУРАЗЗОҚОВ	<b>Бизга кўнгирак қилинг:</b> Котибият: 153-52-78 Хатлар бўлими: 153-85-43	Бизнинг манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134	Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.	Навбатчи котиб - Ж.Шарофбоев Навбатчи муҳаррир - Д.Мадиев Навбатчи - Х.Жўраева Мусахҳих - А.Ербеков
	<b>МУАССИС:</b> Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси	<b>Таҳрир хайъати:</b> Алла Долженкова, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари), Маъмура Адилова, Мирзохид Содиков, Носирхон Акбаров, Ойсулув Нафасова, Пиримкул Қодиров, Соғиндик Ниетуллаев, Шамси Эсонбоев, Элёр Ёкубов, Фуломзокир Юсупов	Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0116-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-3. Ҳажми 2 босма табоқ.	«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.	Таҳририятга келган кўлзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайдими. Нашримиздан кўчириб босилганда «Ishonch»-дан олинганлиги кўрсатилиши шарт. Тижорат аҳамиятига молик материаллар «И» белгиси остида чоп этилади.
		<b>E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru</b>			Буюртма Г-214 Тиражи: 19219 Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди - 20.10 Сотузда эркин нархда
					2 3 4 5 6 7 8